

## Генерал хонадонига ташриф

Жорий йилнинг 14 январь куни “Гидромелиорация” факультети жамоаси ҳамда фаол ёшлари Мирзо Улуғбек туманининг “Лашкарбеки” маҳалласида истиқомат қилаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, чегара қўшинлари фахрий генерали Артиқбаев Абдуллажон Артиқбаевичнинг хонадонига ташриф буюришди. Ташриф давомида талабалар генералнинг ҳаёт йўли хизмат ўтаган дамлари ҳамда ватанимиз мустақиллиги учун қўшган ҳиссаси тўғрисида маълумотлар олишди. Ташриф давомида факультет жамоасининг байрам совғаси ҳам топширилди.



**ГМ факультети декан ўринбосари Х.Туйчиев ахбороти  
Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**